

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

500 Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги нотариал архивлар штат бирликлари сони ва юридик ва жисмоний шахсларга маълумотномалар ва архив ҳужжатлари нусхалари, шунингдек, нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатлари ва реестрлардан кўчирмалар берилганлиги учун улар томонидан ундириладиган ҳақ миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2167

(2011 йил 1 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 42-модда) 10-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги 104-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2010 йил 5 майдаги ПФ-4216-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 22-сон, 175-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги нотариал архивлар штат бирликлари сони иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги нотариал архивлар томонидан ундириладиган ҳақ миқдорлари куйидаги миқдорларда ундирилиши белгилансин:

нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини ва реестрлардан кўчирмаларини бериш учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида;

архив ҳужжатлари нусхаларини бериш учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида;

архив маълумотномаларини бериш учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида.

3. Пенсионер ва ногиронларга архив ҳужжатлари маълумотномалари, нусхалари, нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатлари ва реестрлардан кўчирмалар бериш бепул амалга оширилсин.

4. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосарлари Ғ. Хидоятлов ва Е. Канъязов зиммаларига юклансин.

5. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

6. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Адлия вазири

Р. МУҲИТДИНОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 22 декабрь,
20-сон

Келишилган:

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2010 йил 20 декабрь

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2010 йил 22 декабрдаги
20-сон буйруғига
ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари
ҳузуридаги нотариал архивлар штат birlikлари сони**

Т/р	Адлия органлари	Архив мудири	Архивариус	Иш юритувчи	Жами
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	1	2	1	4
2.	Андижон	1	2	1	4
3.	Бухоро	1	1	1	3
4.	Жиззах	1		1	2
5.	Қашқадарё	1	2	1	4
6.	Навоий	1	1	1	3
7.	Наманган	1	2	1	4
8.	Самарқанд	1	2	1	4
9.	Сирдарё	1		1	2
10.	Сурхондарё	1	1	1	3
11.	Фарғона	1	2	1	4
12.	Хоразм	1	1	1	3
13.	Тошкент вилояти	1	3	1	5
14.	Тошкент ш.	1	6	1	8
	Жами:	14	25	14	53